

THE PLACE OF THE FAMILY, SCHOOL AND NEIGHBORHOOD IN THE FORMATION OF SOCIAL AND MORAL QUALITIES OF CHILDREN

Ortikova Zulfiya Nurmahamatovna

Lecturer at the Department of Primary Education Methods, Fergana State University
Mamasiddikova Ruzikhon Ikhtiyorjon kizi
student FarDU BT and STI.3-course 18.32group

Announcement

The role of the family, school and community in shaping the socio-moral qualities of children is very important. Children learn morals more from school and family. This article is about the formation of social moral qualities among young people.

Keywords:

Morality, upbringing, law, custom, custom, moral qualities, school and family.

БОЛАЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-АХЛОКИЙ СИФАТЛАРИНИ ШАКИЛЛАНТИРИШДА ОИЛА, МАКТАБ ВА МАХАЛЛАНИ ҮРНИ

Ортикова Зулфия Нурмахаматовна

Фарғона Давлат Университети Бошланғич таълим услубиёти кафедраси
ўқитувчиси

Мамасиддикова Рузихон Ихтиёржон кизи
талаба ФарДУ БТ ва СТИ.3-курс 18.32гурӯҳ

Аннотация

Болаларнинг ижтимоий – ахлоқий сифатларини шакиллантиришда оила, мактаб ва махалланинг ўрни жуда катта ҳисобланади. Болалар ахлоқни мактабдан ва оиласдан кўпроқ ўрганади. Ушбу мақола ижтимоий ахлоқий сифатларнинг ёшлар ўртасида шаклланиши мавзусида ҳисобланади.

Калит сўзлар:

Ахлоқ, тарбия, қонун, урф, одат, ахлоқий сифатлар, мактаб ва оила.

Оила-жамиятнинг таянчи. Фарзандларимиз онгида элу юртга, Ватанга мухаббат туйгулари оиласда, яшаб турган махаллада шаклланади. Мамлакатнинг эртанги куни, тинч ва обод булиши энг олдин мана шу кичик жамиятда усиб-унаётган болаларимизга боғлик. Кайси оиласда, кайси махаллада тарбия яхши йулга қўйилар экан, уша оила, уша махалла гуллаб-яшнайди. Фарзанд тарбиясини качондан бошламок керак?, деган савол купчиликни уйлантиради. Купчилик олимлар унга турлича жавоб бериб келганлар. Хусусан, Ибн Сино бола тарбияси билан унинг туғилишидан аввалрок, она корнидан бошлабок шугулланиш лозим, деб жавоб берган. Оила, одоб-ахлоқ ва таълим-тарбияга эътибор кон-конимизга сингиб кетган бурчларимиздандир. “Бир болага етти күшни ота-она” деган ибратли мақол хам айнан халкимизга хос. Мана шу маколнинг узи хам фарзанд тарбияси, оиласпарварлик биз учун нечоглик мухим эканини билдиради. Махалла ахли, айникса кексалар кучада

нобоп иш килаётган бола олдидан хеч качон бепарво утиб кетмаган, шу захотиёк танбех береб тугри йулга чакирган. Зеро, хар томонлама чиройли, одобли, гузал хулкли булиш, нафсни поклашга буюрувчи мукаддас динимиз оиласа катта ахамият беради. Оиладаги мухит ота-она уз маъсулиятларини хис килиши билан баркарор булади. Болаларнинг одобли булиб улгайиши учун ота-она билан бир каторда махалла-куй хам катта ибрат мактабидир. “Куш уясида курганини килади”, деб бежиз айтмаган халкимиз. Фарзанд тарбиялаётган ота-она хар бир харакати, юриш туриши, муомаласи, бошкалар билан узаро муносабатида олижаноб фазилатларни намоён эта билиши керак. Чунки бола табиатан нихоятда таклидчан ва кузатувчан булади. Шунинг учун унинг атрофдагилари уз одатлари билан баъзан узлари сезмаган холда уларга таъсир киладилар. Оиладаги купол муносабатлар, куп ёлгон гапириш, ёкимсиз хатти-харакат бола тарбиясига салбий таъсир киладиган носоглом мухитни келтириб чикаради. Фарзанд тарбиясида ота-онанинг муомаласи мухим урин тутади. Бола ота-она томонидан купол, дагал сузлар эшитиб, калтак еб катта булса, бу унинг табиатига салбий таъсир килади. Бу эса уз навбатида оиладаги носоглом мухитда тарбияланётган боладан “маънавий касал” инсонлар шаклланади. Улар эса жамият маънавиятига хам салбий таъсир курсатади. Оилада ота-оналар “оммавий маданият” таъсирига берилиб кетиши окибатида фарзандларнинг тарбиясига хам салбий таъсир курсатмоқда. Истиклол туфайли халкимиз чет-эл юртларини кезиб, янги халк ва урф-одатларни гувохи булиб кайтмокдалар. Шу жумладан Европа давлатларига сайр килиб келаётган фукароларимиз бутунги кунда гарб усмирлари орасида бошка мамлакатлар ёшларига караганда уюшган жиноятчилик ва зуравонликка берилиш холати юкори. Бунга сабаб болаларга керагидан ортиқ эркинлик берилгани экан. Уларни хозирдан айш-ишратга берилиб, турли ахлоксиз хатти-харакатларга ружу куйишдан хеч ким кайтармаслигини айтиб беришмокда. Инсон хаёти давомида бирор шахсни узига урнак деб билади, бундан инсон у каби хаёт кечиришни, у эришган ютуклар каби муваффакиятларга эришишни, юксак чуккиларга чикишни кузлайди. Бугун жамиятнинг ёш аъзолари уз хаётлари учун бошка маданият вакилларининг фикрлаш ва хаёт тарзини урнак килиб олишлари куп муаммоларни келтириб чикармокда. XXI асрда турли хаёт тарзлари ва гоялар ракобатга киришди. Бунда муваффакиятга эришиш учун хар бир давлат узлигини саклаган холда диний ва миллий кадриятларини бошкаларга англатишни асос килган мафкурага эга булиши лозим. Акс холда, узликни йукотиш, бебаҳо кадриятлардан воз кечиш кишини тараккиётдан ажратиб, уни тобе, мустакил фикри йук манкуртга айлантириб куяди. Хозирги кунда гаразли максадларни амалга ошириш учун зимдан олиб борилаётган фитналар баъзи миллатларнинг узлигини йукотишга каратилганини сезиш мумкин. Бунда эътибор худудларини эгаллаш эмас, балки инсон онгини эгаллашга йуналтирилган. Албатта бола тарбияси ута мураккаб ва маъсулиятлидир. Бу хар бир ота-онадан уз устида мунтазам ишлашни, болалар тарбиясига оид барча маълумотлардан баҳобар булиб боришни талаб этади. Фарзанд тарбияси бу шунчаки тажриба, оддий курсатма ва билимлар жамланмаси эмас, балки уз ичига диний-ахлокий билимлар, тиббиёт, этика, психология, педагогика каби соҳаларига оид билимларни хам камраб оладиган мураккаб жараёндир. Бугунги кунда оилавий тарбиянинг кийинлашуви шундаки, биринчидан, жамият тараккий этиб боргани сари хар томонлама етук инсонни шакллантириш талаблари ортиб бораверади. Бу эса оилада болага эстетик, жинсий тарбия, ахлокий тарбия бериш сифати ва куламини ошириш талабини куяди. Таълим-тарбия, одоб-ахлок болаликдан берилгани маъкул. Расулуллоҳ (а.с.): “Биронтангиз уз фарзандларингизни тартиб-интизомга ургатса, бу хар куни садака бергандан яхшироқдир”, дея марҳамат килганлар. Болаларни интизомга ургатиш оила мустахкамлигига асос булади. Ислом шу маънода ота-оналарни уз фарзандларига соглом тарбия беришга рагбатлантиради. Хадиси шарифда “Фарзандларингизни хурмат килинг ва уларни яхши хулк билан хулклантиринг” деб таъкидланган.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Makhmudova A. Guarantee of legal basic of supporting human rights in new level of Uzbekistan's development . International Journal of Advanced Science and Technology Vol.29 No.5, (2020), pp.1761-1770 <http://sersc.org/journals/index.php/IJAST/article/view/10305/5558>
2. Nugmanovna M. A. Factors and means of the content of legal socialization of the individual in modern civil society (<https://www.scopus.com/record/display.uri?eid=2-s2.0-85088801526&origin=resultslist&sort=plf-f&src=s&nlo=&nlr=&nls=&sid=c1f62c57476f328531a90cad4b4b4d7a&sot=aff&sdt=a&sl=5&s=AF> кукларининг камситилмаслиги талаб этилади. Оилавий тарбия ижтимоий тарбияга нисбатан болаларнинг рухий оламига, хиссиёти ва туйгуларига чукур таъсир курсатади.